

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

517 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни яна- да кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2015 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгилаб қўйилсинки, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йил ва ундан кейинги йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштиришга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси:

бир ҳафта муддатда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг рўйхатини аниқлаштирадилар;

санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларда уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ўз қарамоғида санаторий-соғломлаштириш муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар:

бир ой муддатда 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ўз қарамоғидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, унда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун йўлланмалар қийматини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига белгиланган нархларда тўлаш тартибини назарда тутсинлар;

Низом тасдиқлангандан кейин 10 кун мобайнида уни вазирликлар ва идоралар ҳайъатларида, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналарнинг бошқаруви йиғилишларида кўриб чиқсинлар;

кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 13 октябрь,
ПФ–4658-сон